

Абдулла Кодирий хакида кўп ёзилган. Аммо биз бу гал факат Абдулла Кодирий тўгрисида эмас, унинг асар қаҳрамонлари, яшаган даври, даврдошлари ва қуюнчак авлодлари тўгрисида сўз юритишга жазм этдик.

Юсуфбек хожи ким эди?

Азизбекнинг зулми кучайгач, халк Юсуфбек хожи атрофида жипслashiб, хокимга карши исён кўтарди. 1847 йилда Тошкентда бўлиб ўтган, хоким Азизбек билан боғлик воеалар Абдулла Кодирийнинг машхур «Ўткан кунлар» асарида бадиий тасвирланган. Тошкентда тугилиб ўсан, ўз шахри тарихини батафсил ўрганган Кодирий романда бош қаҳрамон - Отабек ва унинг отаси Юсуфбек хожини халк эргашадиган ижобий шахс сифатида тасвирлайди. Аслида, хаётда хам шундай эди. Тошкентликлар Юсуфбек хожини Мухаммад Юсуфбек парчабоф дея хурмат килишгани тарихий манбалардан маълум.

«Тошканд ахолиси Азизбек истибодидан ортиқ тўйинди, кимдан кўмак сўрашни хам билмайдир» («Ўткан кунлар»дан). Зоро, хокимнинг зулмига карши бош кўтарган бандар борки (хатто, бу тўгрида маҳфий гапирсалар-да), хуфиялар Азизбекка шипшитиб туришган.

«... бир мисол келтурай. Тошканддаги жумъалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни мактар ва бу мактовга карши иккинчиси «Нега мунча мактайсан, Азизбекинг асли бир бачча-да!» дер. Уларнинг бу музокарапарини четдан эшлитиб турган хуфиялардан бири сўзни Азизбекнинг кулогига етказар. Эртасига Азизбек мазкур икки кишини ўз хузурига олдириб, мактовчига улуг мансаб ато килар ва иккинчисини ўлимга буюрар» («Ўткан кунлар»дан). Хуллас, халк дардини кимга айтишни, кимга суюнишни билмай юрган пайт. Чидай деса, сабр косаси тўлган. Аксига олиб, оломон хар ёкка йўл излайди, бир-бирига магзава агдарувчилар хам кўп.

Аммо халкни бирлаштирадиган йўлбошчи етишиб чикканди - Мухаммад Юсуфбек. Халк Юсуфбек хожи дея атайдиган бу инсоннинг уйи Шайхонтахурнинг Занжирилик маҳалласида эди. У ёшлигида хунарманд-косиб бўлиб, Чорсуда катор дўконлари бўлган, дўконлари ортидан бойиб, Тошканднинг обрўли зотларига айланган, хажга бориб келган эди. Тошкандга Нормухаммад хоким бўлган даврда эса унинг вазири, дабири бўлди. Кўкон хони Худоёрхон унга «Парчабоф» унвонини берган эди. Бу тўгрида кўконлик тарихчи Аваз Мухаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннамойи» асарида маълумот берилган. Ана шу инсон тошкентликларни Азизбек зулмига карши жипслаштириб, исён кўтарди. Бунга хоким жанобларининг хазинани тўлдириш учун халкка солик согани сабаб бўлди. «Улар хар бир маҳала ва кўчага пул солиги солдилар. Бирок довюрак кишилар, яъни Мухаммад Юсуфбек-парчабоф ва бошкалар бу карорга итоат килмай, жума куни кечки намоздан кейин бир-бирларига хабар бериб, кўлга илинган нарсалар билан куролландилар», дея ёзади Аваз Мухаммад Аттор ўз асарида.

Натижада Азизбек навкарлари билан Юсуфбек хожи исёнкорлари ўртасида

Тошканднинг Чангоб, Парчабоф махаллаларида, Хотун масжиди ёнида жанглар бўлиб ўтади. Бешёгоч махалласидаги оломон хам найза, таёк ва милтиклар билан куролланиб, Каландархона йўли билан ўрдасига кайтган Азизбек навкарлари турган жойни камал килади. Шахарнинг ўн икки дарвозаси ёпилади.

«Азизбек калъани айланиб, мерғанлардан хол-ахвол сўрар, уларни янги мансабларга кўтариш хакида минг ваъдалар берарди. Хар бир кўшинда пос-бонлар жойини текширишдан сўнг ўн-ўн беш киши каъла деворидан тушиб, кочиб кетарди. Шундан сўнг Тошканд хокими исёнкорлардан омонлик тилаб, хотини ва бола-чакасини олиб, Кўконга кочди ва у ердан Маргилонга кетди. Бирок хийлакор Азизбек жонини саклаб колганига шукур килмай, кипчок ва бошка уругларга фиску фасод хатлар ёзиб, хонлик хавфсизлигига рахна сола бошлади. Унинг шайтонлиги ошкор бўлгач, Кўконнинг катта кабристонида бир кечада катл этдилар», дея тарихчи Аваз Мухаммад Аттор Азизбекнинг ўлимини тасвиirlайди.

Юсуфбек хожи эса зулмкор хокимдан кутулгач, Янги Тошканд хокими ўрдасида дабир лавозимида фаолият кўрсата бошлайди. 1853 йили чор кўшинлари Кўкон хонлигига карашли Окмасжидга бостириб кирганида, Юсуфбек хожи хам боскинчиларга карши курашди. Урушда ватанпарварлар маглуб бўлгач, Кўкон хони Тошканд хокимини ўзгартириб, у ерга Мирзо Ахмадни хоким килиб тайинлади. Янги хоким Юсуфбек хожининг халк ўртасидаги обрўсидан хавфсираб, соясида колиб кетаяпман, деган ўйда уни ўлдириш ниятига тушиб колади. Буни сезган Юсуфбек хожи Чимкентнинг сўлим Сайрамидаги Манкент кишлогига кочиб, яширинди. Аммо Юсуфбек хожи яширинган жой хакида бир пайтлар унинг хизматида юрган Абдумўминкул исмли хиёнаткор кимса хокимга бориб чакди. Натижада Юсуфбек хожи тутиб келтирилиб, дорга осилди. Бу мудхиш воеа 1855 йилда содир бўлган...

Мазкур воеаларга муаллиф бошқачарок йўсинда - Отабек такдирига Кўкон хонлигидаги Худоёрхон, Мусулмонкул, Азизбек каби тарихий шахсларнинг олиб борган мудхиш сиёсати таъсир килганлигидан келиб чикиб ёндошли. Тарихни яхши билган романчилигимиз асосчиси ўтмишдаги хаётий воеаларнинг роман мавзусига доир кисминигина асарига киритган. У Юсуфбек хожини романда халк қаҳрамони даражасига кўтарди. Аммо хожининг кейинги хаётини ёритиб ўтиrmади. Кодирийнинг назарида, қаҳрамонлар жисман ўлсалар-да, маънан ўлмайдилар - халкни руҳлантириб, авлодлар калбида яшайверадилар. Бунинг учун эса тез-тез тарихта мурожаат килиб туриш керак. Зоро, Кодирий ёзганидек, «мозийга кайтиб иш кўрмок хайрли».

Хажвиянинг таъсири

«Олтин олма, дуо ол! Дуо олтин эмасми?». Бу наклни эшитгансиз. Аммо чин дилдан эмас, шунчаки айтилган дуо-фотихадан кўра, букланиб, гижимланган бўлса-да, когоз пул, ялтирамаса-да, сарик чака зарур бўлган замонлар эди ўшанда...

1920 йил сентябрда Бухоро амирлиги тугатилгач, ташкил килинган Бухоро Халк Республикаси раҳбарлари этиб жадидлар - илмли, маърифатли «Ёш бухороликлар» сайланди. Улар Файзулла Хўжаев, Фитрат, Усмонхўжа, Садриддин Айний, Абдулвоҳид Мунзим эдилар. Бу инсонлар амирлик давридаги колоклик, истибодд ва жаҳолатнинг авж олиш сабабини илмга, техникага эътибор килинмаганликнинг окибати билан изохлашарди. Шунинг учун хам улар дастлабки ишни иктидорли ёшларни тараккий этган

Германияга ўкишга юборишдан бошладилар. Бухоро Халк Республикаси бюджетидан айнан илмга интилганлар учун Германия банкларидан бирига пул ажратилди.

Бухороликлардан ибрат олган бошка худудлардаги маърифатпарварлар хам Тошкент, Хоразм ва водий вилоятларидан иқтидорли ёшларни танлаб олиб, уларни Германияга ўкишга жўнатишга харакат килишди. Аммо маблаг масаласи...

Ана шундай вазиятда, Сайдносирбой, Чўлпон, Мунаввар кори ва Абдулла Кодирийлар бир ташаббус билан чиқдилар. Унга кўра, 1921 йилда «Ўзбек билим хайъати» кошида «Кўмак» уюшмаси тузилди. Маърифатпарварлар замон оғир бўлса-да, маърифат учун саховат киладиганлар топилар, деган эзгу ниятда харакат бошлишди. Ўша даврдаги вазиятни «Туркистон» газетасининг 1923 йил 27 январ сонидан билиб олишимиз мумкин. «Хумсонлик» тахаллусли муаллиф «Сўнгги кўмакни кимлардан кутишимиз керак?» номли маколосида шундай деб ёзган эди:

«Туркистондан четга бориб ўкиш учун 1921 йил бошларида «Ўзбек билим хайъати» томонидан студент Саидалихўжа бўлган холда бир неча ўкувчиларнинг рўйхати олиниб, хукуматга топширилган эди. Бир неча муддат бунинг кетидан юриб, натижада хукуматимизнинг моддий кўмак бера олмаслиги билингач, бу масала ўз-ўзидан тўхтади. Лекин ўкигувчиларнинг орасида кўтарилган четга кетиб ўкиш хаваси эса бунинг билан битмади. Ўкигувчилардан кайси бир ўзига тўклари (гарчи борлик нарсаларини сотиб бўлса-да) яна четга кетмак орзусида бўлдилар. Буларнинг ўзаро ташаббусини кўрган «Билим хайъати» четда томошачи бўлиб тура олмади. Ва четга кетувчи студентларнинг ўзларидан бир комиссия тузиб, ўз аъзоси Саидалихўжани шул комиссияга бошлиқ этиб, «Кўмак» номи остида бир уюшма тузди. Уюшма кечаю кундуз ишлаб, бир кишини четга жўната олди».

Ха, гоят оғир йиллар эди. Хукуматга хам кийин. Мададдан умидвор бўлишнинг фойдаси йўқ. Тўпланган пул атиги бир кишини ўкишга юборишга етди. Бораман, илм ўрганаман, дейдиганлар эса хаддан зиёд. Хўш, нима килиш керак? Кимдан кўмак кутиш лозим?

Чўлпон, Кодирийлар эл орасида юриб, ташаббус билан чиқдилар: «Ёшлардан хайриянигизни аяманг!», «Илм учун саховат кўрсатинг!». Ташаббускорлар ўзларидаги маърифатпарварлик, илмга интилиш, ёшлар икболини ўйлаганлари сабабли ибрат кўрсатишиди. Кодирийдек меҳридарё, хожатбарор инсон ўз богида етиштирган меваларни сотиб, «Кўмак»ка хайрия килди. Чўлпон эса кийналиб юрганига карамай, калам хакларини тўплаб, кийим-бош оламан, деб йиккан пулинни ёшларга багишлади. Бу борада улар менинг жияним, аммамнинг фарзанди бор, тўпланган халк пулига Германияга ўша бориб ўкий колсин, деб харакат килишмади. Миллат манфаати, ёшлар келажаги улар учун махаллийчилик, таниш-билишчиликдан устун эди.

Бу инсонларнинг ташаббуси ва хайр-саховатидан бошкалар хам ибрат олишиди.

«Туркистон» газетасининг 1922 йил 18 декабр сонидаги хабарга кўра, Тошкентдаги бир гурух маориф ва маданият арбоблари ўкишга борувчилар учун пул топширишган. Улар орасида Сайдносирбой Миржалолов (йигирма минг сўм), шоир Чўлпон (етти ярим минг сўм), Мунаввар кори, Шокиржон Рахимийлар бор эди. Бундан ташкари, Тошкент зиёлилари 2 декабрда адабий кеча уюштириб, ундан тушган етмиш беш минг сўмни хам Германияга юбордилар.

Зиёлиларнинг бундай хайр-саховатини кўриб, оддий халк «Кўмак»ка оз бўлса-да, пул топшира бошлиди. Афсуски, ўзига тўқ, бойлигини майшатга сарфлаётган баъзи кишилар бундай тадбирдан ўзларини четга олишарди. Ташаббускорларга «Шундан бошка ташвишим йўкми?», «Меним болам ўкирмиди?», дея жавоб бериб юборишарди.

Бундай калтабинликка гувох бўлган Абдулла Кодирий «Муштум» журналининг 1923 йил тўртинчи сонида «Кўмак» уюшмасига ионалар» номли хажвиясини эълон килди. У шундай бошланади:

«Кейинги кунларда «Кўмак» уюшмасига берилган ионаларнинг хисоби жуда хам кўпайиб кетди. Тушган ионаларни уюшманинг битта кассаси эплай олмаганликдан иккинчи касса олмокка мажбур бўлинди. Кейинги ойда иона берган сахийларнинг рўйхати мундайдур:

1. Валихожи - беш миллард сўмга арзидиган дуо.
2. Гулом шайх бойбачча - «Ўкишга кеткан йигитлар мулло бўлсунлар» деган яхши тилак (баҳо кўйиш комиссиясининг сўзига караганда, бу иона хам беш миллиардга арзир экан).

3. Азим бойвачча, кўмирчи - саккиз пуд тошкўмир.

4. Тужжор ширкати - иккита сопол товок билан битта хурмача.

5. Камар ширкати - чорак кадок олма чойи.

6. Пойафзал бозоридаги дўконлар ўзаро - бир пой бачкана этик.

7. Чит бозорининг дўконларидан - бир газу уч чорак газлама.

8. Аттор ога-инилардан - икки кути упа.

9. Кассобликдан - беш дона ўпка.

10. Кандолатчилардан - уч истакан писташка билан бир кадок пашмак ва бошкалар.

Ушбулардан Берлин ўқугувчиларимизга юборилди:

Берлиндаги талабаларимиз ортукча муҳтоҷ бўлгонликларидан биринчи галда тўрт пут тошкўмир, иккита сопол товок, бир посилка дуо юборилди».

Кодирий-Жулкунбойнинг бу хажвияси ўлкада катта шов-шув бўлиб, баъзи дўкондор, савдогар, бoggонлар уялганларидан «Кўмак»ка хайрия кила бошлашди. Аммо айrim мутаассиб мулла, маишатпараст кишилар, барибир саҳоватдан, илмга хайрия килишдан ўзларини тортдилар.

Шундай бўлса-да, маърифатпарварлар, халкнинг тушунган кисми саъй-харакати, Кодирий хажвиясининг таъсири сабабли «Кўмак»ка анчагина пул тўпланди. Бу маблагга эса Хайринисо Мажидхон кизи, Абдулвоҳид Исҳок, Абдулвоҳид Муродий, Солих Мухаммад, Азимбек Байрамжон, Тўлаган Мўмин, Султон Маматкул, Иброҳим Аҳмаджон, Темирбек Козибек сингари илмга интилган ёшлар Германияга жўнаб кетдилар.

Ўша долгали, кийин замонларда хам ёшларнинг Германияда ўкишига, «Кўмак»ка пул тўпланишига Чўлпон, Саидносирбой, Мунаввар кори ва Абдулла Кодирий каби маърифатпарвар ажододларимиз сабабчи бўлишган.

«Йигинди гаплар» ва Булок айтган хакикат

Бу макола ўз даврида катта жасорат намунаси бўлди. Аммо унинг муаллифига жасорат кимматга тушиб, жабр кўрди ва камокка олинди. Шу билан бирга, матбуотнинг жиловланишига хам сабабчи бўлди...

Маълумки, Абдулла Кодирий-Жулкунбой нафакат буюк адаб, айни пайтда ўткир хажвчи, танқидчи журналист хам бўлган. Хусусан, «Муштум» журналининг 1926 йилги 27-сонида жамиятдаги салбий иллатларни фош этиб ёзган «Йигинди гаплар» номли маколаси ўша давр раҳбарларини анча чўчитиб кўйди. Маколада Жулкунбойнинг республикадаги вазиятга муносабати, жумладан, Йўлдош Охунбобоев ва Акмал Икромовлар фикрига эътирозлари акс этган бўлиб, шундай жумлалар бор эди: «Мен

сенга айтсам, ўзбекнинг ишчиси, дехкони, маорифи, маданияти, иктисади, шалтой-балтойи, хуллас, барчаси ухлайди. Аммо ўчокбошининг холи-топгони олакаргалар бўлса, хўбам билган номаъкулчилигини киляпти!..

...Кечаги кун газетда Охунбоевдек битта саркорингдан хам феълим айниёзди...

...Ер ислохоти муносабати билан Ўзбекистонда бошка ислохотлар ясалар эмиш, деб эшиздим. Дарҳакикат, мамлакатда ислохотга муҳтоҷ масалалар кўпдир. Масалан, катталарга акл ва басират ислохоти, муҳаррирларга тил ва маъно, шоирларга илҳом ва услугуб (маъно бўлмаса хам майли), ёшларга ахлок ва кийим, хотунларга жабр, зулм, домлаларга дин ва салла...».

Хуллас, Жулкунбойнинг шу сингари фикрлари шўро мафкуравий сиёsatбозларини чўчитиб юборди. Ушбу маколаси учун эса Жулкунбой уч ойу ўн кун хибсда саклаб турилди.

14-16 июн кунлари республика олий суди Жулкунбойни икки йилга озодликдан маҳрум этди. Лекин маҳбуснинг адабий мухитда, халқ орасида, хорижда катта обрў-эътиборга эгалиги, колаверса, айби етарлича исботланмаганилиги учун озод килинди.

Бирлашган давлат сиёсий бошкарманинг Ўрта Осиёдаги муҳтор ваколатхонаси ходимлари Жулкунбойнинг маколасини шундай баҳолагандилар:

«Макола Ўзбекистон компартияси ва хукуматини унинг айrim раҳбарлари сиймосида обрўизлантиришга каратилган. Айни пайтда маколада коммунистик партия ва совет хукуматининг Ўзбекистонда олиб борган мухим тадбирлари масхара ва танқид килинган. Макола муаллиф томонидан очикдан-очик аксилинкилобий максадда тайёрланган ва кенг таркатилган».

Хуллас, «Йигинди гаплар» маколаси атрофидаги вахимаю шов-шувлар эндиғина тинчиган пайтда матбуотда худди юкоридаги каби яна бир «аксилинкилобий макола» чоп этилади.

«Булок» таҳаллусли, хоразмлик Маткарим Худойберганов исмли ёш журналист «Ер юзи» журналининг 1927 йил 26 сентябр сонининг 5-сахифасида «Хоразм хунармандлари» маколасини нашр килдиради. Муаллиф унда хунармандларнинг оғир хаётини ёритиб, ўз даврини хонлик пайти билан таккослаб, шундай ёзган эди: «Хон замонида кустар (хунарманд маъносида-У.Б.) касабаларнинг тепасида «Калонтар» турар эди. Калонтар хон томонидан тайин килинганликдан тўра каторида хисобланар эди. Инкилоб келди, лекин Хоразмни анча ўзгартира олмади. Калонтар ўрнига «вакиллар» сайланди. Касабалар касаба союзига айланди. Аммо икки юз йилдан бери ўрнашиб келган тартиб бурунгича колди».

Муаллиф маколасида ёзган «инкилоб келди, лекин ўзгариш бўлмади» деган хуносаси хам ўз даврида жасорат эди ва бундай фикрлар «аксилинкилобий» хисобланарди.

Булок «Воҳада битта хам завод йўқки, кустарларни мукаммал ихтисосларга ўргатса. Биттагина мактаб ёки курс йўқ. Факат кўл ёки оёқ кучи билан Хоразм кустарлари хар кандай нарсаларни: кийим, уй-рўзгор, овкат ашёларини ишлаб чикарадурлар.

Ота-боболари кандай ишлаган бўлса, шуларнинг авлоди хам «ота касби» дегандек, неча юз йиллик эски аравани тортиб келмоқдалар», дея инкилобдан кейинги хаёт хакида хулоса чикарганди. Яъни, муаллиф фикрича, «инкилоб келгани билан эски хаммом, эски тос».

Ушбу макола чоп этилгач, шўро харбий сиёсий маъмурияти муаллифни жазолаган билан бу хилдаги чикишларни тўхтатиб бўлмаслигини англаб, энди матбуотни жиловлаш, маълум бир колипга солишга карор килди. Шундай килди хам.

1927 йил Самарканда бўлиб ўтган Ўзкомпартиянинг 5-plenуми томонидан чикарилган карорда «Матбуот бўлимига раҳбарлик ишини кучайтириш, хусусан, мухаррирлар фаолиятини малакали ходимлар хисобига кенгайтириш чораларини кўриш топширилсин! Газеталарнинг тарбия-таргибот ишларида борган сари катта рол ўйнаши, бирок уларга фирмавий раҳбарликнинг етарли даражада бўлмаганлигини танкид килиш билан баробар, матбуот шўъбасига ва маҳаллий фирмка ташкилотлари билан бирга деворий газеталарнинг ишларини яхши йўлга кўйиш, хусусан, уларни мумкин кадар кўпроқ коммунистлар таъсирига олиш тўғрисида бирмунча чоралар ишлаб чикарилсин», дейилади. (Пленум материаллари, Самарканд, 1927 йил, 55-бет).

Орадан бир йил ўтиб, 1928 йилда нашр этилган Н.Кодировнинг «Ўзбекистон матбуотининг галдаги вазифалари» китобида хам матбуотни жиловлаш, хусусан, уни сиёсийлаштирган холда коммунистлар колипига солиш бўйича вазифалар белгилаб олинган. Хуллас, катта кийинчилик ва бегуноҳ инсонлар кони эвазига бўй кўрсатаётган шўро харбий сиёсий маъмурияти ўзбек матбуотини жиловлаш ва бир колипга солишга 1927 йилдан катъий киришган.

«Ичи зардобга тўлиб кетган эди...»

Кодирийнинг ўгли - Хабибулла Абдуллаев отаси, у яшаган давр ва даврдошлари тўғрисида хотиралар ёзиб, 1974, 1983 йилларда китоб нашр эттираса-да, кўнглидагиларни очик ёза олмагани учун каттик ўксинарди. Чунки, ўзи хам Сталин катагони даври жабрини чеккан, колаверса, шўро замонларида бор дардини ёзгани билан матбуот уни чоп этмасди. Бу хакида тез-тез гурунглашиб турадиган Хондамир Кодирий куйидагиларни сўзлаб берди:

- Дадам оталари хакида кўплаб хотиралар ёздилар. Лекин ичдан куярдилар. Энг асосий гапларни - адабиётимиз тарихидан хам бурун, биз ўзбекларнинг ижтимоий-сиёсий, маърифий хаётимиз учун сув ва хаводек зарур бўлган оталари фожиаси, унинг сабаблари, дахлдорлари хакидаги гапларни айттолмас эдилар. Нихоят, бизнинг кистовимиз билан келажак авлодга ўша бўлиб ўтган воеаларни ибрат учун ёзиб колдиришга жазм килдилар. Неча йиллар давомида юракларининг тубида кўрдек бўлиб ётган бу фожиа сатрларни умрлари охирида ёзар эканлар руҳан, маънан жуда каттик азобландилар.

Дадам хаста эдилар. Лекин у киши кун сайин ичларини кемириб келаётган оғир дардларини эмас, оталарининг тақдирини ўйлар, ёзар эдилар. Ёздилар, хаммасини ёздилар, лекин ёзиб бўлиб бир ёниб ўчган чирокдек сўниб колдилар. Касаллари зўрайиб кетди...

Дадам умуман турмушда бехафсала, бу дунёning кўп халоватидан кечган одам эдилар. Баъзан онам: «Дадангнинг олдидан тужа ўтиб кетса хам билмас эдилар», - деб турадилар. Лекин у киши ном-нишонсиз холга келтирилган оталари номини, ижодини ўз жойига кўйиш учун умрлари охирига кадар жону жаҳд билан курашиб-тиклаб ўтдилар... Дадамни мозорга кўйиб, уйга кайтиб келганимизда онамнинг айтган биринчи гаплари шу курашнинг бутун мазмунини жамлаб, ифодалаб, тугатиб берди: «Дадангни ерга каратиб кўйдингларми, ичлари зардобга тўлиб кетган эди...».

Афсуски, Хабибулла aka бор дардини когозга тўкиб яратган асари - «Отам хакида» номли хотираларининг нашр этилишини кўролмай, вафот этгандилар. Асар истиклол

туфайли, Хондамир Кодирийнинг куюнчаклиги билан 2006 йилда чоп этилди. Бундан Абдулла ва Хабибулла Кодирийларнинг рухлари шод бўлган бўлса, ажабмас...

Умид Бекмуҳаммад